

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 28 июнь, № 126 (5546) Пайшанба


# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз, ҳурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение вакилларини, муҳтарам фахрийларимизни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Бугун биз яшаётган, глобаллашув ва Интернет асри деб ном олган даврда тараққиётни, ҳаётимизни замонавий ахборот ва ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва оммавий ахборот воситаларидан, сиз азиз журналистлар фаолиятидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши англаймиз ва сизларнинг ўта машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингизни юксак қадрлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда оммавий ахборот воситаларининг фаолият кўлами, инсон ва жамият ҳаётига таъсири мисли кўрилмаган даражада кучайиб бормоқда. Бугунги кунда ахборот нафақат маълумот етказиш, одамларни янгилик ва ўзгаришлар билан таништириш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда, айни вақтда ахборот ва коммуникация тармоғи амалда ишлаб чиқаришнинг етакчи йўналишларидан бирига, моддий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг ривожи ва ўсишига ҳал қилувчи асос ва туртки берадиган, тез ривожланаётган энг замонавий соҳага айланиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Бу ҳақда фикр юритганда, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт қуриш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш суръатларини кучайтириш, иқтисодиётимиз самарадорлигини ошириш йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни ечиш, ички ва ташқи сиёсатни олиб бориш бўйича тўғри йўлни танлашда матбуот соҳасининг қўшаётган ҳиссасини тан олиб, унинг роли, аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп гапириш мумкин.

Лекин шулар қаторида яна бир масала борки, бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. У ҳам бўлса, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш йўлида асосий куч бўлмиш халқимиз, энг аввало, ёшларимизнинг маънавий оламини шакллантиришда, одамларимизнинг ҳаётга, меҳнатга муносабатини ўзгартиришда, уларни мустақил фикрлаш, онгли яшаш руҳида тарбиялашда, бизнинг ривожланишимизга халақит бераётган эски қолип ва қарашлардан халос бўлишда, бир сўз билан айтганда, доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшаш, бугунги ва эртанги кун талаблари билан ҳамқадам бориш, ўз она юртига бўлган меҳри ва садоқатини мустаҳкамлашда — ўзини ҳақиқий инсон деган ҳар қандай кишига мансуб айни шундай олижаноб фазилатларни камол топтиришда оммавий ахборот воситалари соҳасида фаолият кўрсатаётган меҳнатчиларнинг улкан хизмати борлигини катта миннатдорлик билан таъкидлаб айтишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб, мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича амалга ошираётган кенг кўламли ишларимиз бугунги кунда ўзининг ҳосили ва самарасини бераётганини барчамизга мамнуният бағишлайди.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг миқдор ва сифат даражаси тубдан ўзгариб, уларнинг умумий сони 1 минг 250 дан ошиб кетгани, рақамли ва мобиль телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио каби замонавий ахборот тармоқларининг улуши ва таъсири тобора ортиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир.

Хусусан, энг тезкор ва таъсирчан ахборот воситаси бўлмиш Интернет журналистикасига, уни ҳар жиҳатдан чуқур эгаллашга бўлган интилишнинг тобора кучайиб бораётгани миллий матбуотимизнинг халқаро медиа майдонда ўз муносиб ўрнини топиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг кенг тармоғи шаклланиб, самарали фаолият олиб бораётгани жамиятимизда фикр ва қарашлар ранг-баранглигини, ўзаро ижодий мусобақа муҳитини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда. Буни мавжуд теле ва радиоканалларнинг 66 фоизини, босма нашрларнинг эса 50 фоиздан зиёдини айнан нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этиши ҳам тасдиқлайди.

Бизнинг энг юксак мақсадимиз бўлмиш тараққий топган замонавий демократик давлатлар қаторидан жой олиш йўлида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлигини янги босқичга кўтариш, матбуотнинг том маънода мустақиллигига эришиш, бунинг учун аввалламбор уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва барқарор ривожланиши учун зарур манбаларга эга бўлиши билан боғлиқ масалаларни ечиш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён қилинган фикр ва ғоялар асосида изчил амалга оширилаётган ишлардан, ўйлайманки, сизлар яхши хабардорсиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, мазкур концепция негизида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида” ва бошқа бир қатор қонун лойиҳаларини сиз, матбуот вакилларининг фаол иштирокида тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган Президент қарори оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилиши табиийдир.

Айни вақтда барчамизга яхши аёнки, бугунги кунда тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замоннинг ўзи, тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот воситалари олдига ўткир ва масъулиятли талабларни қўймоқда.

Албатта, ҳар қандай янгиланиш, ўзгариш, шу жумладан, ахборот соҳасида ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳаётимизни, иқтисодиётимизни бошқариш тизими, мамлакатимизнинг тараққиёти, унинг ўсиш суръатлари ва самарасини ошириш, барқарорлигини таъминлаш кундалик оғир ва машаққатли меҳнат эвазига қўлга киритилишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шу нуқтаи назардан оммавий ахборот воситалари ва бу соҳада хизмат қилаётган ходимлар олдида турган энг муҳим вазифаларни баҳолар эканмиз:

**биринчидан**, доимо изланиш, қўлга киритилган ютуқларга берилмасдан, уларга маҳлиё бўлмасдан, мақтанмасдан, кимнидир улуғлаш йўлига ўтмасдан, аввалламбор, маррани баланд қўйиб, ҳаёт воқелигини ҳаққоний ва холис акс эттириш талаб қилинади;

**иккинчидан**, ҳаммамизга аёнки, ўз олдига мақсад қилиб қўйган марраларга эришиш учун журналист ўзини аямасдан, профессионал билим ва савиясини, маҳорат ва тажрибасини ошириш учун ўз устида тинимсиз ишлаши, меҳнат қилиши, турли синовлардан муносиб ўтиши зарур;

**учинчидан**, бундай юксак даражага кўтарилиш учун бу касбни танлаган ҳар қайси инсонга мардлик, фидойилик ва жасорат керак, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан;

**тўртинчидан**, ўз касбига садоқатли бўлиш, уни севиш, аввалламбор, эскича қараш ва аломатлардан воз кечиш учун журналист бошқаларга нисбатан олдинги сафда бўлиши, ўз ҳаётий принципларидан қайтмасдан, виждон амри билан яшаши лозим.

Бу ҳақда гапирганда, бир таклифни сизлар билан ўртоқлашишни жоиз, деб биламан. Матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш, энг муҳим чиқишларга жамоатчилик эътиборини қаратиш учун биринчи навбатда самарали фаолият кўрсатадиган аниқ тизим ташкил қилиш керак, деб ўйлайман. Бу борада Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳар чорак якуни бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг долзарб, энг ўткир материалларни алоҳида қайд этиб, баҳолаб, бу ҳақда матбуотда хабар бериб борса, менинг назаримда, айни муддао бўлар эди.

Бунда, айниқса, таҳлилий ва танқидий чиқишларга алоҳида аҳамият бериш ўринлидир. Бундай муносабат, ўйлайманки, журналистларнинг оғир меҳнатини эътироф этиш ва қадрлашда катта роль ўйнайди. Шу билан бирга, айни шу материалларда ўртага қўйилган муаммоларни ечиш учун жамоатчилик эътиборини жалб қилишга ҳам муҳим ҳисса қўшади.

Айтиш кераки, одатда газета-журналларимизда, телерадиоканалларимизда кўпчиликни ўйлантираётган долзарб мавзулар кўтарилади, лекин уларга нисбатан давлат ва ҳокимият вазифаларида ўтирганлар, жамоатчилик вакиллари томонидан етарлича аҳамият берилмаслиги туфайли улар кўпинча эътибордан четда қолиб кетади. Бундай ҳолат, масалага панжа орасидан қараш, аввало, шу мақола ва кўрсатувни юрагидан ўтказиб, катта меҳнат билан тайёрлаган журналист ва муаллифларнинг ижодий изланишларига салбий таъсир кўрсатиб, қўлини ишдан совитиб қўяди. Энг ёмони, бу чиқишларда кўтарилган масала ва муаммолар бундай бепарволик натижасида эски ҳолида ўзгармасдан қолиши иқтисодиётимиз ва ҳаётимизга катта зарар етказиши муқаррар.

Таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот воситаларининг самарадорлигини кучайтиришни кўзда тутадиган бундай тажрибани жорий этишни, шу асосда матбуот орқали танқидга учраган ташкилот ва корхоналар, мансабдор шахсларнинг ўз ишига холисона кўз билан қараб, мавжуд аҳволни тузатишга ҳаракат қилишини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига қатъий қилиб қўймоқда.

Бу ўз навбатида матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг, журналист аҳлининг ижтимоий ҳаётимизда, жамоатчилик ўртасида ҳурмат-эътибори, айни пайтда масъулияти ҳам ортишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бугунги кунда бутун дунё Ўзбекистон эришган улкан ютуқ ва натижаларни тан олаётган, эътироф этаётган бир пайтда биз оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам бошқалардан кам бўлмасдан, ана шундай юксак марраларни эгаллашга албатта қодирмиз, десам, ўйлайманки, сиз, азизларнинг фикрингизни ифода этган бўламан.

Шу йўлда доимо интилиб, изланиб яшайдиган журналистларни мен ҳамиша қўллаб-қувватлашга, керак пайтда ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимни, уларни ўзимнинг энг яқин ҳамфикр ва маслакдошларим, деб билишимни изҳор этмоқчиман.

Бугунги хурсандчилик кунда сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор самимий қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, ижодий камолот тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# Сифатли, харидоргир, экспортбоп

## «Мос Янтекс» маҳсулотлари шу таърифларга тўла мос келади.

*Мамлакатимизда саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳага хориж инвестицияси жалб қилиниб, кўплаб янги ишлаб чиқариш субъектлари ташкил этилаяпти, мавжудлари эса замонавий ускуналар билан қайта жиҳозланаётир. Сирдарёдаги “Мос Янтекс” қўшма корхонаси фаолияти мисолида буни яққол кўриш мумкин.*

### Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

— Корхонамиз 2004 йилда ташкил қилинган, — дейди корхона бош директори Шерзод Ҳайдаров. — Яқинда Хитой ҳамда Польшадан замонавий дастгоҳлар олиб келиниб, ишлаб чиқариш тубдан модернизациялаштирилди. Қувватнинг оширилиши туфайли қўшимча 40 та иш ўрни яратилиб, ишчилар сони 140 нафарга етказилди. Улар томонидан тайёрланаётган 12 хилдаги спорт либослари экспортга чиқарилаяпти. Ўтган йили четга бир миллион 300 минг АҚШ долларилик маҳсулот сотган эдик. Жорий йилда бу кўрсаткич бундан-да ошиши кутилмоқда.

Эътиборлиси, корхона жамоасининг 70 фоизи касб-ҳунар коллежларини битириб келган ёшлардан иборат. Мафтуна Тожибоева — шулардан бири. У ўқишни тамомлагач, мазкур корхонада иш бошлади.

— Ўқув амалиёти чоғида бу ерда меҳнат қилаётган қизларга ҳавасим келганди, — дейди Мафтуна. — Орзуим ушалди, корхонага ишга қабул қилиндим. Дугоналарим — Дилдора Эргашева, Гулсара Файзуллаева, Азиза Аҳмедова ҳам шу ерда тикувчилик касбини ўрганиб олишди. Шундай замонавий корхонада ишлаётганимиздан жуда хурсандмиз.

— “Мос Янтекс” сингари корхоналар ҳисобига вилоятнинг экспорт салоҳияти тобора ошиб боряпти, — дейди вилоят Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Холбоев. — Хусусан, жорий йилнинг ўтган беш ойида 5,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги саноат маҳсулотлари экспорт қилинди. Муҳими, бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб бормоқда.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**



### 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

*Истиқлол йилларида юртимизда Президентимиз раҳнамолигида кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг узвий таркибий қисми бўлган ОАВ фаолиятини ривожлантириш, журналистлар меҳнатини рағбатлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.*

# Фидойилик ва масъулият мезони

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини давр руҳига ҳамоҳанг тарзда ислоҳ этиш, журналистларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча зарур ҳуқуқий-ташкилий, моддий ва маънавий имкониятларни яратиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда ана шулар хусусида сўз борди. Тадбирга қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, ноширлар, матбаачилар, фахрий журналистлар, олий ўқув юртлари журналистика факультетларининг профессор-ўқитувчилари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Тантанада сўзга чиққан Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов ва бошқалар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида оммавий ахборот воситаларини босқичма-босқич равнақ топтириш, миллий матбуотимизнинг таъсирчанлигини ошириш, бунинг учун барча шарт-шароитни яратиш масаласи Юртбошимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги қарори барча медиатузилмалар, нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбаа тарқатувчи ташкилотларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоат назоратини ўрнатишда янги имкониятлар очмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Барқарор банк тизими ва ликвидлик

*Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли Ўзбекистон энг барқарор банк тизимига эга давлатлар қаторидан ўрин эгаллади.*

### Анжуман

Хусусан, сўнгги йилларда республикамиз молия-банк тизимида қўлга киритилаётган ютуқлар халқаро ташкилотлар, таниқли экспертлар эътирофига сазовор бўлаётгани бунинг яққол далилидир. Айниқса, Халқаро валюта жамғармаси миссиясининг баёнотида “Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир”, дея алоҳида таъкидлангани мамлакатимизда бюджетнинг даромад манбаини мустаҳкамлаш, ижро интизомини кучайтириш, қолаверса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини модернизациялаштириш, банк-молия тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигининг яна бир тасдиғи бўлди.

(Давоми 2-бетда).

### Кўргазма

*Иқтисодиётни ривожлантиришда суғурта фаолиятининг ўзига хос ўрни бор. Шу боис мамлакатимизда мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

# Самарали ҳамкорлик

## суғурта бозорини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга

Жумладан, Президентимизнинг 2007 йил 10 апрелдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори суғурта бозорини ўрганиш, мазкур соҳага ихтисослаштирилган компаниялар ўртасида рақобатни кучайтириш ва таклиф этилаётган суғурта хизматлари сифатини яхшилашда дастуриламал бўлмоқда.

Кеча пойтахтимизда иш бошлаган “Ўзбекистон суғурта бозорининг ривожланиш истиқболлари” мавзуидаги кўргазма эса бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш ҳамда тизимга янгиликларни татбиқ қилишни жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этувчи тадбирлардан биридир.

Унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, кейинги йилларда юртимизда аҳолига маиший ва сервис хизматлари кўрсатиш, шу жумладан, суғурталаш ишларининг замонавий турларига катта эътибор қаратилаётгани натижасида суғурта нафақат аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ёки ишбилармонлар фаолиятини рағбатлантиришда, балки иқтисодиётни инвестицион жиҳатдан фаоллаштиришда ҳам муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Ҳурматли юртдошлар!

# «АСАКА» банки (ОАЖ)

## сизларга миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.

### «ОИЛАГА МАДАД»

**Ушбу омонат оилангиз жамғарма маблағларининг кўпайишига мадад бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат ёпилгандан сўнг берилади.**

**Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**

**Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри филиали | (371) | 120-83-13 |
| 2. | «Автотранспорт» филиали | (371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (371) | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | (371) | 221-80-67 |
| 5. | Сергели филиали | (371) | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (374) | 224-40-96 |
| 8. | Асака филиали | (374) | 233-13-69 |
| 9. | «Фарҳод» филиали | (374) | 226-97-53 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | (373) | 224-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | (373) | 237-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | (373) | 432-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | (373) | 552-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | (369) | 226-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | (436) | 223-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | (436) | 573-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | (365) | 223-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳри филиали | (365) | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | (366) | 231-08-86 |
| 20. | «Афросиёб» филиали | (366) | 221-77-56 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | (375) | 221-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (376) | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | (361) | 770-60-59 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | (362) | 226-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | (367) | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | (372) | 226-43-11 |

**«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.**

*Хизматлар лицензияланган.*

**БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.**

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
- *маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
- *эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
- *миқдори чекланмаган.*

1053R/15


# Инсон тараққиёти концепцияси бўйича ёзги мактаб

UNDP

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури томонидан Инсон тараққиёти концепцияси бўйича Ўзбекистонда ташкил этиладиган ёзги мактабда қатнашиш учун аризалар қабул қилиш бошланди.

Ушбу ёзги ўқув мактабнинг асосий мақсади — иштирокчиларни Инсон тараққиёти концепцияси ва унинг амалий жиҳатлари билан таништириш, инсон тараққиётига доир глобал, минтақавий ва миллий ҳисоботлар юзасидан мунозаралар олиб бориш имкониятини яратишдир. Ёзги мактаб ёши, тураржойи, таълим йўналиши ва касбидан қатъи назар, барча инсон тараққиёти масалалари бўйича қизиқувчилар учун мўлжалланган.

***Ёзги мактаб икки ўқув модулидан ташкил топган:***

- Масофавий модул, кунига 2 соат талаб этади (2012 йил 17 июлдан 24 августгача).
- Интерактив модул, кунига 8 соат талаб этади (2012 йил 24—26 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилади).

Масофавий дарслар иштирокчиларнинг мустақил равишда назарий ва амалий билимлар билан танишишларига мўлжалланган. Модул маълумотлар кутубхонаси ва маърузачилар томонидан олиб бориладиган он-лайн форум мунозараларидан иборатдир.

Биринчи модулнинг якунлари бўйича энг яхши 20 иштирокчи Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган интерактив модулга таклиф қилинади. Ушбу модул инсон тараққиёти бўйича мутахассислар томонидан ўтказилиб, асосан мастер-класслар ва интерактив машғулотлардан иборат бўлади.

**Аризалар 2012 йил 16 июлгача қабул қилинади!**

Ёзги мактабда иштирок этиш учун номзодлар http://www.humandevelopment.uz саҳифасида рўйхатдан ўтишлари, ўз таржимаи ҳоллари ва қатнашиш истагини билдирувчи хатларни (ўзбек, рус ёки инглиз тилларидан бирида) resource@humandevelopment.uz электрон манзилига жўнатишлари керак.

*Саволларингизни resource@humandevelopment.uz электрон манзилига ёзишингиз мумкин.*

**Иштирок этиш учун аризаларингизни кутиб қоламиз!**

1038A/638

## «SPARETRA» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Миробод тумани СИБ томонидан 2012 йил 29 февралдаги 8411-12/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Stone Express» МЧЖга тегишли бўлган мармар тошларни ишлаб чиқарадиган ва тошларни фигурали маҳсулот қиладиган асбоб-ускуна қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 9 034 258 370 сўм.***

Юқоридаги мулк Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт (собиқ Мусахонов) кўчаси, 2-уйда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 30 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2012 йил 30 июль куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 14 август куни бўлиб ўтади. Савдога қўйилган мулк билан Суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион санасидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «SPARETRA» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО: 00425, СТИР: 301829604.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.**

1056A/780

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига «Агробанк» ОАТБ томонидан, «Агробанк» ОАТБ бошқаруви йиғилишининг 2012 йил 18 июндаги 38/2-сонли қарорига асосан, «Агробанк» ОАТБ марказий аппарати балансидаги Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 4-«А» уйда жойлашган бино арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 520 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 16 июль куни соат 12.00 да савдо ташкилотчиси — «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ жойлашган манзил (Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй)да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризалар мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 13 июль куни соат 18.00.

Юқоридаги мулк 2012 йил 16 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 23, 30 июль кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2012 йил 23 июлдаги такрорий савдо учун — 2012 йил 20 июль куни соат 18.00, 30 июлдаги савдолар учун — 27 июль куни соат 18.00.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун ариза, закалат келишуви, закалат пули тўланганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим қилинади. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва муддатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг бир фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо кунига қадар «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига келиб тушиши учун етарли бўлган муддатларда тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Телефонлар: (8-371) 228-80-23, 228-84-48.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия:№0001.*

1064A/1441

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!***

**Танлов савдосига ТИФ «Миллийбанк» бошқарувининг 2012 йил 18 июндаги 36-сонли йиғилиш баённомасига асосан, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Манғит кўчаси, 5-уйда жойлашган бино-иншоотлар қўйилмоқда.**

***Бошланғич баҳоси — 701 601 000 сўм.***

Танлов савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖга тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчисининг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Танлов ўтказиш қоидалари, танлов шартлари ва танлов таклифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатлари «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖга белгиланган тартибда тўлдирилган ва имзоланган мурожаатнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилгандан сўнг олиниши мумкин. Танлов ҳужжатларининг нархи савдо ташкилотчиси томонидан белгиланади.

Танлов таклифлари 2012 йил 26 июль куни Тошкент вақти билан соат 18.00 да тўхтатилади. Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2012 йил 30 июль куни Тошкент вақти билан соат 15.00 да «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ мажлислар залида (4-қават) амалга оширилади (таклифлар тушмаган тақдирда танлов савдоси 2012 йил 10, 17, 24 август кунлари соат 15.00 да такроран ўтказилади, такрорий савдога танлов таклифларини қабул қилиш уч кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади).

Таклифларни очиш вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин. Савдода энг мақбул таклиф киритган талабгор танлов ғолиби, деб топилади.

Тўловларни амалга ошириш тартиби: танлов ғолиби кўчмас мулкнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини эса олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

**Танлов савдоси ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: 100175, Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.**

*Лицензия: RR-0001.*

1065R/1441


*Сара уруғ — юқори ҳосил гарови*

**Испаниянинг FITO SEMILLAS компаниясининг Ўзбекистондаги вакили**

*ўз омборидан такрорий экин учун*

**маккажўхори ва чим уруғларини**

*таклиф қилади.*



**Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган.**

**Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99897) 728-57-80. Факс: (+99871) 257-58-61.**

996A/710


## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**қуйидагиларни маълум қилади!**

Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан тақдим этилиб, «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 19 июндаги 119 (5539)-сонида ва «Тошкент оқшоми» газетасининг 2012 йил 18 июндаги сонида чоп этилган хабарномалар билан «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг аукцион савдосига чиқарилган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор Ц-17/18 даҳаси, 12-уй, 72-хонадонда жойлашган уй-жой аукцион савдосидан олинганлигини маълум қиламиз. Савдодан олишга асос: Учтепа тумани СИБнинг 2012 йил 22 июндаги 23286-87/15-сонли хати.

***Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.***

*Лицензия: RR-0001.*

1062A/1441

## «BEMINNAT SAVDO» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

**2012 йилнинг III чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:**

***сариёғ, 1-категорияли музлатилган мол гўшти.***

**Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**

**100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ниёзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй. Тел.: (8-371) 237-14-94, 237-45-15. Факс: 237-14-92.**

*Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 30 июнь соат 17.00 гача.*

1018A/749




**ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР**

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

**ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)**

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

**КАРБИД Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўм.**

**МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

03R/97



**Сертификатланган**



**SUVMASH**
**ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

ISO 9001:2008
Certifed Management System

# НАСОСЛАР
тайёрлайди ва таъмирлайди








“ЭЦВ” РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН
“Д” РУСУМЛИ ЁТИҚ
“К” РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН
“НК” НЕФТЬ НАСОСЛАРИ
НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ
шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.








**Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 13.**
**Тел.: (+99871) 295-13-00, 295-06-35, 295-06-37, 295-19-08. Факс: (+99871) 295-51-08.**
**E-mail: office@suvmash.uz; suvmash@mail.ru sales@suvmash.uz www.suvmash.uz**

622R/460


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Қўмита раисининг ўринбосари Т. М. Турсуновга падари бузруквори

**Мирза ТУРСУНОВнинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

“Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси жамоаси компания бошқаруви раиси ўринбосари Абдурашид Юлдашевга опаси

**Шафоат ҲИММАТОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“O`rta Osiyo maxsus qurilish” давлат бирлашмаси жамоаси бирлашма бошқаруви раиси Маҳмут Таджиевга волидаи муҳтарамаси

**РИХСИХОН онанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## Қисқа сатрларда

*Воқеалар, янгиликлар, хабарлар*

**● ҚЎШРАБОТ туманидаги "Жонбулоқ" қишлоқ врачлик пунктига "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фондининг "Ижтимоий соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш учун муқобил энергия манбалари" лойиҳаси асосида қуёш батареяси ва шамол генераторлари ўрнатилди. Натижада 2,5 минг кишилик аҳоли пунктида тиббий хизмат сифати янада яхшиланадиган бўлди.**

● ҚАРШИ шаҳридаги 8-умумтаълим мактабида "Келажаги буюк юрт ворисларимиз!" шиори остида "Қалдирғоч" ёзги болалар соғломлаштириш майдончаси ташкил этилди. Бу ерда баскетбол, волейбол, шахмат-шашка, теннис тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, тўгаракларга юзлаб болажонлар жалб қилинган. Улар спорт билан шуғулланиш баробарида, тарихимиз, маданиятимиз ва халқимизнинг жаҳон маданиятида тутган ўрни ҳақидаги қимматли маълумотларга ҳам эга бўлишмоқда.

**● ҚЎРҒОНТЕПА индустриал педагогика коллежи битирувчиси Сарвиноз Иминова "Диплом билан — бизнесга" лойиҳаси асосида молия муассасасидан 3 миллион сўмлик кредит олиб, тикувчилик цехини ташкил этди. Ҳозир бу ерда унинг 14 нафар тенгдоши меҳнат қилмоқда. Эътиборлиси, мазкур лойиҳа доирасида 160 нафар андижонлик ёш ишбилармонларга "Микрокредитбанк" томонидан 490 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.**

***«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.***

**Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт**

# Республика босқичига йўл олди

*Қибрай туманида "Футболимиз келажаги" анъанавий турнирининг Тошкент вилояти бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди.*



"Маҳалла" хайрия жамоат фонди ташаббуси билан бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мусобақада ҳудудий саралаш босқичларида ғолиб чиққан тўртта маҳалла жамоаси совринли ўринлар учун кураш олиб борди.

Муросасиз курашларга бой ўтган беллашувлар якунида Чиноз туманининг ёш футболчилари муваффақият қозониб, республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Паркент ва Ангрен туманлари вакиллари эса иккинчи ҳамда учинчи ўринларни банд этдилар.

Турнир якунида барча иштирокчиларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Нурота туманида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши ташаббуси билан ракетамодель бўйича мамлакат чемпионати ўтказилди.**

# Ракетамоделчилар беллашуви

Унда саксон нафар спортчи саккиз йўналиш бўйича ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб борди. Беллашувлар якунида навоийлик Ришат Исталаев, сирдарёлик Светлана Ибрагимова, пойтахтлик Амирбек Зокиржонов, наманганлик Марсел Мирсаидов, Энвер Ибрагимов, самарқандлик Баҳром Қудратлиев, Фарҳод Бакиев ва қашқадарёлик Шамсиддин Дўсаев Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Мусобақада умумжамоа ҳисобида Сирдарё вилояти вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилоятидан келган ракетамоделчилар иккинчи ҳамда учинчи поғоналарни банд этдилар.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ноёб топилма

*Андижоннинг эски шаҳар қисмини ободонлаштириш, табиий газ ва ичимлик суви тармоқларини янгилаш ишлари олиб борилаётган вақтда Бобур номидаги маҳалла ҳудудидан қадимий қилич топилди.*

## Археология

Олимларнинг фикрича, мазкур тарихий ашё XIV-XV асрларга тегишли экан. Аммо у темурийлар даврига мансуб бошқа қиличларга ўхшамайди. Бундан келиб чиқадики, нозик дид билан ишлов берилган 53 сантиметрлик ушбу буюмни бирон бир ҳукмдор 9-10 ёшли фарзандига совға сифатида тайёрлатган бўлиши мумкин.

Шу боис мутахассислар бу ноёб топилма Заҳириддин Муҳаммад Бобур эндигина тахтга ўтирган йилларда ясалган, деган фикрни илгари суришмоқда.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Хабар**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 16 ИЮНДАН 22 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Қимматли қоғозлар бозорининг мутахассисларига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2012 йил 11 майдаги 2012-05-сонли буйруғи.*

**2012 йил 15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2370 (2012 йил 25 июндан кучга киради).**

2. «Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва унинг ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 28 майдаги 43-сонли буйруғи.*

**2012 йил 16 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1922-2 (2012 йил 26 июндан кучга киради).**

3. «Интеллектуал мулк объектларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2012 йил 22 майдаги 01/19-18/10-сонли қарори.*

**2012 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1953-1 (2012 йил 28 июндан кучга киради).**

4. «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (13-сон МБМС) «Интеллектуал мулк объектлари қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2012 йил 22 майдаги 01/19-18/09-сонли қарори.*

**2012 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2371 (2012 йил 28 июндан кучга киради).**

5. «Автовокзаллар ва автостанциялар ҳудудига йўловчилар ва бошқа шахсларни киритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2012 йил 23 апрелдаги 13, 2-сонли қарори.*

**2012 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2372 (2012 йил 30 июндан кучга киради).**

*(Давоми бор).*

UZBEKCOMMODITY EXCHANGE

## Ўзбекистон Республикаси Товар хом ашё биржасидаги биржа савдоси қатнашчилари диққатига!

**«ЎзРТХБ» ОАЖ шуни маълум қиладики, 2012 йил 9 июлдан бошлаб тузилган биржа битимлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибига ўзгартириш киритилмоқда.**

Янги тартиб ҳисоб-китоб клиринг палатаси (РКП) томонидан фақатгина биржа битимлари бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китобларига тегишли.

Янги тартиб фақатгина «ЎзРТХБ» ОАЖнинг ҳисоб-китоб клиринг палатаси ҳисоб рақамлари ўзгаришини назарда тутмоқда.

**2012 йил 7 июлгача тузилган биржа битимлари бўйича тўловларни амалга ошириш учун эски ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш лозим, хусусан:**

— 20208000300600257009 ҳ/р — буғдой, арпа, ун, ёрма, ўсимлик ёғи, шакар, омихта ем, пахта момиғи, цемент, шифер, металл (рангли ва қора), суюлтирилган газ, кўмир, каолин, минерал ўғитлар, ойна, рубероид;
— 20208000100600257052 ҳ/р — шрот ва шелуха, дизель ёқилғиси, бензин, битум, печ ёқилғиси, ёқилғи мазути, нефрас, техник мойлар, саломас, хўжалик совуни;
— 20208840400600257008 ҳ/р — норезидентлар АҚШ долларида амалга ошириладиган экспорт битимлари учун.

**2012 йил 9 июлдан биржа битимлари бўйича барча ҳисоб-китоблар «ЎзРТХБ» ОАЖнинг ҳисоб-китоб клиринг палатасининг янги ҳисоб рақамлари орқали амалга оширилади, хусусан:**

— 20208000500600257041 ҳ/р — буғдой, арпа, ун, ёрмалар, ўсимлик ёғи, шакар, шротлар, пахта чигити шелухаси, омихта ем, пахта момиғи, саломас, хўжалик совуни;
— 20208000300600257042 ҳ/р — цемент, шифер, металл (рангли ва қора), суюлтирилган газ, полиэтилен, кўмир, каолин, минерал ўғитлар, ойна, рубероид;
— 20208000100600257043 ҳ/р — дизель ёқилғиси, автобензин, битум, печ ёқилғиси, ёқилғи мазути, нефрас, техник мойлар;
— 20208840000600257010 ҳ/р — норезидентлар АҚШ долларида амалга ошириладиган экспорт битимлари учун.

2012 йил 9 июлдан битимлари бўйича тўловлар ҳамда етказиб беришлар амалга оширилган мижозларнинг ФШРларида (фойдаланувчининг шахсий рақами) (ИНП) бўш турган пул маблағлари эски ҳисоб рақамларидан янгиларига автоматик равишда ўтказилади.

2012 йил 9 июлдан сўнг биржа савдоларида қатнашиш учун зарур бўлган гаров пули ҳамда битимларни тузиш учун зарур бўлган пул маблағлари янги ҳисоб рақамларга ўтказилиши лозим.

2012 йил 9 июлдан сўнг биржа савдоларида қатнашиш учун мижозлар янги ҳисоб рақамларда пул маблағларига эга бўлишлари лозим, шу сабабли, янги ҳисоб рақамларига пул маблағларини аввалдан ўтказилишини сўраймиз.

Мижозларнинг ФШРлари (фойдаланувчининг шахсий рақамлари) (ИНП) ўзгаришсиз қолмоқда.

1055R/779

**● Реклама ва эълонлар ●**

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MChJ

**Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?**

**Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?**



***Унда шошилиб таваккал қилманг.***

***Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.***

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг **(+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85** телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингиз оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

*Лицензия: RR-0001.*

**Унутманг!**

***«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.***

**Мурожаат қилинг ва барака топинг!**

563R/1441

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

***«Capital Realtor Group» МЧЖда 2012 йил 17 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилган:***

**I. Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан такроран қўйилган:**

**1.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 1-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич нархи — 255 151 000 сўм.***

**2.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 2-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич нархи — 253 586 000 сўм.***

3. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 3-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич нархи — 259 715 000 сўм.***

**4.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 4-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич нархи — 258 122 000 сўм.***

**5.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 5-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич нархи — 259 273 000 сўм.***

**6.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 6-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич нархи — 258 122 000 сўм.***

**7.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 7-хонада жойлашган, умумий майдони 241,81 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 5-қаватидаги 6 хонали уй.

***Бошланғич нархи — 527 113 000 сўм.***

**8.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 8-хонада жойлашган, умумий майдони 239,4 кв.м. бўлган 6/5-6/7 уй-жой.

***Бошланғич нархи — 521 859 000 сўм.***

**9.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 9-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич нархи — 258 122 000 сўм.***

**10.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 10-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич нархи — 259 150 000 сўм.***

**11.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 11-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич нархи — 258 122 000 сўм.***

**12.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 12-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич нархи — 259 273 000 сўм.***

**13.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 13-хонада жойлашган, умумий майдони 118,24 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич нархи — 257 747 000 сўм.***

14. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 14-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.

***Бошланғич нархи — 259 715 000 сўм.***

**II. Сергели тумани суд ижрочилари бўлими томонидан такроран савдога қўйилган:**

ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 5 декабрдаги 1-498/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «West Lend General Trading» шўъба корхонасига тегишли бўлган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чоштепа кўчаси, 38 ва 40-уйда жойлашган, А, Б, В, Г, Д, Е, Ж, И, К, Л блоклар ва айвонлардан иборат бўлган база биноси ҳамда омборлар.

***Бошланғич нархи — 997 959 140 сўм.***

Ушбу кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.**

*Лицензия RR-0017.*

1059A/11192

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 90 424 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.20 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5